



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 11 АВГУСТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (12.976)

Баҳоси эркин нарҳда

24
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори кичик бизнес субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириши, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда муҳим омил бўлмоқда.



Оқил Фуломов олган сурат

ХОРИЖЛИКЛАР ҲАВАС ҚИЛМОҚДА

Мебельсозлик тармоғи ривожига қаратилаётган юксак эътибор самарасида замонавий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва бежирим уй-рузгор, ошхона, офис, мактаб мебеллари бозордан мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Корхоналар таклиф қилаётган кенг турдаги юқори сифатли, бежирим ва кўркам мебеллар халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини тобора юксалтириб, хонадонларимизга кўрк, шинамлик ва қўлайлик бахш этмоқда. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошаётгани туфайли тармоқда ҳар йили озаб-янги иш ўрни ҳам яратилмоқда.

Бозорларда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзув туширилган мебель маҳсулотларининг кўпчилиги, хилма-хиллигини кўриб қувонасиз. Танлаш имконияти жуда кенг. Мебель дўконларидан бунда мебель тўпламлари харид қилаётган Жамшид Холлов ўз таассуротларини баҳам қурди:

— Сифатли ва бежирим жиҳозларни танлаб, харид қилиш имконияти кенгайиб бораётганидан хурсандимиз. Ўши улғуларимиз яхши билади, мустақилликдан аввал юртимизга мебель фақат хориждан келтирилган, танлаш имконияти анча чегараланган эди, — дейди у. — Ҳозир вазият умуман бошқача. Қайси мебель дўконига кирманг, маҳаллий маҳсулотларимиз кўзни қувонтиради. Хорижий бир неча баробар қimmat маҳсулотни ўрнига юртимизда ишлаб чиқарилаётган худди шундай сифатли маҳсулотни арзон нарҳда олганга нима этсини!

Пойтахтимиздаги «Кенг макон» масъулияти чекланган жамияти мебелсозлик соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган корхоналардан. Мазкур корхонада меҳмонхона, болалар хонаси, ётоқхона, ошхона, офис мебеллари ва

бошқа турдаги жиҳозлар ишлаб чиқаришмоқда. Мебель модуларни оsonгина жамланади. Харидорлар ўз диди ва талабига кўра тўплам қилиб харид қилиши ёки дизайнерлар тайёрлаган гарнитурни танлаши мумкин. Корхона мижозларга ўз истакларини рўйбга чиқариши ва уйини ўзига хос тарзда жиҳозлашига имконият яратди.

«Кенг макон» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини автомобилларнинг ўриндиқларига қоплама ишлаб чиқаришдан бошлаган. Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган қўлайлик ва имтиёзлар натижасида йил сайин корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайди. Маҳсулот турлари анча кўпайди. Ҳозир юзга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада қарийб 150 турдаги мебель тайёрланмоқда. Корхона қошида иккита савдо дўкони фаолият юритаётгани мижозларга янада қўлайлик яратмоқда.

Жорий йилда «Ипак йўли» банки Тошкент шаҳар филиалидан олинган 170 минг евро миқдоридagi кредит эвазига корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши режалаштирилмоқда. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини янада яхшилади.

Корхона 2000 йилдан буюн экспорт билан шуғулланмоқда. «Лион», «Скарлет», «Вивалди», «Венеция» каби ётоқхона жиҳозлари қўлайлиги, замонавийлиги ва дизайни билан хорижлик мижозларга ҳам манзур бўлаётди.

Маҳсулот сифати ва қўлайлигига алоҳида эътибор қаратилаётган корхона мебеллари маҳаллий хомашё асосида тайёрланмоқда. Бунда тайёрланаётган мебелнинг дизайни, ранги ва чидамчилиги замонавий талабларга мос келишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 4

миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Корхонамизда замонавий технологиялар ёрдамида деталларни йиғишда ва ётоқга ишлов беришга масъулият ва аниқлик билан ёндашилди, — дейди ётоқга ишлов бериш цехи ишчиси Саъдулла Убайдуллоев. — Маҳсулот тайёрлаш жараёнининг барча босқичи ёнган ва техник хавфсизлиги меъёрларига риоя қилинган ҳамда сифати синчковлик билан текширилган ҳолда бажарилади.

Кейинги икки йилда йигирмага яқин касб-хунар коллежи битирувчи курси корхонага ишга олинди.

Корхона «China International Furniture Expo», «Turkey Furniture» ва бошқа нуфузли халқаро мебель кўргазмаларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда хусусий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир, — дейди корхона иқтисодчиси Ҳикмат Раҳимов. — Фаолиятимизнинг дастлабки давриданок буюртмачилар фикри, харидорлар диди, истеги ва эҳтиёжини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдик. Шу асосда маҳсулот сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш чораларини кўрдик. Маҳсулотларимизнинг харидорга манзур бўлаётгани бизни янада кўпроқ изланишга ундамоқда.

Мамлакатимиз раънақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган мазкур корхона жамоаси ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжларига мос ҳамда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариши кўпайтириш бўйича ҳаракат қилмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

Мафтунингман, Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОН — БЕТАКРОР МАМЛАКАТ

Мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб, халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб бораётганини юртимизга келаятган сайёҳлар оқими билан ҳам билса бўлади. Гўзал Ўзбекистонимизнинг барча шаҳарларида кўплаб хорижлик сайёҳларни учратиш мумкин. ЎЗА мухбири улар билан суҳбатлашди.

Тэруюки КОБАЯСИ (Япония):

— Бир ҳафтадан бери Ўзбекистондаман. Аввал Тошкентни, кейин Самарқандни айландим. Озода ва файзли кўчалар, осуда хибонлар, одамлар юзидagi табассум киши кўнглини қўнғиради.

Самарқанддаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, айниқса, Регистон майдони менда унутилмас таассурот қолдирди. Уларни томоша қилар эканман, қадимда Шарқ ва Фарб ўртасида мустаҳкам робита бўлган Ўзбекистон дунё илм-фани ривожига беназир ҳисса қўшганига ва бугун ҳам гуркираб тараққий этаётганига амин бўлдим.

Ўзбекларга хос гўзал фазилатлар — аҳиллик, меҳр-оқибат, ажойиб урф-одатлар ва миллий анъаналардан дунё аҳли ўрнат олса арзийди. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз ҳар қандай киши қалбига меҳр уйғотади. Энг асосийси, Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Бу сайёҳларни жалб этувчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Никола ДМИТРИАДИС (Греция):

— Ўзбекистонга бундан ўн икки йил олдин келган эдим. Шу қисқа вақт ичида юртингиз гўят ўзгариб кетибди, чиройига чирой қўшилибди.

Бозорларни айландим. Ширин-шакар қовун-тарвузларнинг, болдек меваларнинг таъми оғзимда қолди. Ўзбекистонда бўлган ҳар бир сайёҳ яна соғинч билан бу юртга талпиниши шубҳасиз. Мен аввалги сафар Ўзбекистонга оилма аъзоларини ҳам олиб келиб, ўзбекна урф-одатлар билан яқиндан таништиришни ният қилган эдим. Ниятимга етганимдан хурсандман.

Яна бир жиҳат эътиборимни тортди — пойтахтингизда янги йўл ва кўприклар қурилиб, кўчалар янада кенгайгани, автомобиллар кўпайганига гувоҳ бўлдим. Бу Ўзбекистоннинг автомобилсозлик саноати изчил ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси юксалиб бораётганининг ёрқин ифодаси, деб биламан.

Ҳамад САЛАМЕХ (Қувайт):

— Ўзбекистонни бутун дунё яхши билади. Билганда ҳам фақат тарихи ва гўзаллигини эмас, бугунги тараққиёти, иқтисодий имкониятлари, сайёҳлик инфратузилмасини билади, қадрлайди.

Мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб чин дилдан қувонаман. Мустақиллик майдонининг тароватидан маънавий қувват оламан. Ушбу майдон, унинг марказидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, атрофдаги бинолар ўз улғуворлиги, қўқу салобати билан мамлакатингиз салоҳиятини, халқингизга хос меҳр-оқибатини ифода-лаб турибди.

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаятган мустақиллик байрами билан чин дилдан табриқлайман. Айнан истиқлол шарофати билан Ўзбекистон дунёдаги энг гўзал ва осойишта мамлакатлардан бирига айланди.

Никола РИЧЧИ (Италия):

— Ўзбекистонга ташрифим жуда мазмунли ўтмоқда. Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларини кўриш бир умрлик орзуим эди. Орзуим амалга ошиб, ушбу қадимий шаҳарларни, у ердаги тарихий обидаларни ва меъморий ёдгорликларни зиёрат қилиш имкони туғилганидан жуда бахтиёрман.

Буюк ипак йўли марказида жойлашган юртингиз Амир Темур даврида жуда катта нуфузга эга бўлган. Бугун ҳам Ўзбекистон жоман халқиятида худди ана шундай макъа ва ўз ўрнига эга, барқарор ривожланаётган мамлакатга айланган.

Мамлакатингизнинг гўзал манзараси, бетакрор табиати, кенг ва раван кўчалари, замонавий кўприклар, сўлим хибонлар, бинолари менда унутилмас таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, бу ерда одамларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун, жумладан, хорижликларнинг мазмунли саёҳат қилиши учун барча шароит мавжуд.

Накул БҲАРГАВА (Хиндистон):

— Ешим тўққизда. Ота-онам ва синглим билан ёзи таътилни мазмунли ўтказиш учун Ўзбекистонга келдик. Саёҳатимиз жуда қизиқarli ўтмоқда. Менга, айниқса, Тошкентнинг турли-туман музаймоқлари жуда ёқди.

Тошкентдаги «Аква боги»га ҳам бордик. У ердаги бассейнларда маъза қилиб чўмилдим. Турли аттракционларда учиб тўймадим. Бундай завқли таътил учун Ўзбекистондан жуда миннатдорман. Бу ерга яна келишни хоҳлайман.

Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

С.Р.ТАЙАЛ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИТИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА МУНОСИБ БАҲОЛАНМОҚДА»

Илгари хабар берилганидек, хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт, маданий-гуманитар ва жамоатчилик доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тобора яқинлашиб келаятган 24 йиллик байрами муносабати билан мамлакатимиз халқи ҳамда раҳбарияти номига ўзларининг самимий қўтловларини йўллашмоқда.

Уларда юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самаралари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, **Декли университетининг етакчи таълим муассасаси — Дайал Сингх коллежи бошқаруви кенгаши раиси, мазкур университетнинг Шарқий Осиё тадқиқотлари факультети профессори, Хиндистоннинг мамлакатимиздаги собиқ элчиси Скан Ранжан ТАЙАЛ** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига қуйдагиларни сўзлаб берди:

— Ўзим учун қадрдон ҳамда сеvimли бўлган Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини энг улғу ва энг азиз байрам — Мустақиллигининг 24 йилгига билан қўлашмдан беҳад мамнунман.

Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида том маънодаги янги, мустақил давлатга айланди. Мамлакатда барча соҳаларда эришилган муваффақиятларнинг бош негизига — Президент Имом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг «Ўзбек модели»га бугунги кунда дунёнинг қатор давлатлари катта эътибор билан қарамоқда, мазкур модель жаҳондаги

қўллаб олий таълим муассасаларида тадқиқ қилинмоқда. Ривожланишнинг ушбу модели бугунги кунда Ўзбекистонда ўзининг раван йўлига тушиб олгани боис сўнгги ўн йил ичида янги ички маҳсулот ўсиши ҳажми барқарор равишда йилгига 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётти.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ҳар йилнинг халқ эзгу иштилишларини ифода этадиган, жамият раънақиға хизмат қиладиган аниқ бир ижтимоий соҳа тараққиётига йўналтирилиши ва махсус Давлат дастури қабул қилинган ҳолда, кенг эътибор тадбирлар амалга оширилиши аниқнага айлангани ҳам диққатга молиқдир. Бугунги кунда бу тажриба бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Хусусан, Ўзбекистонда 2015 йили — «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинган, мазкур йўналишда қабул қилинган махсус Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ҳам мамлакатда ҳар бир ижтимоий қатлам алоҳида диққат-эътиборда туришидан далолат беради.

XXI аср
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятининг Жалакудук туманидаги «Бештол» фуқаролар йиғини худудида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

● Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида курувчилар меҳнатини рағбатлантириш ҳамда уларни тақдирлашга бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбир «Бунёдкор қўлларга таъзим» деб номланди.

● Жиззахда оила ва болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда ижтимоий шериклик масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Самарқандда «Кексалар завқи» шиори остида шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Тадбир доирасида фахрийлар Самарқанд шаҳридаги спорт мажмуаларида аҳоли, хусусан, ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан таништирилди.

● Қибрай туманида Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Энг улғу, энг азиз» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Калифорния штатида жойлашган Скриппс институт олимлари чекишни ташлашга ёрдам берувчи бактерияни кашф этди. *Pseudomonas putida* бактериясининг организми никотинни таназзулга олиб келувчи NicA2 махсус ферментига эга. Тадқиқотлар ушбу ферментни лоборатория шароитида олиш мумкинлигини кўрсатди. Муҳими шундаки, никотинни ўзига шимиб олган бактериялар заҳарли моддалар ишлаб чиқармасдан, уни тўлиқ парчалаб юборади.

● Гавайи оролларидаги Кек расадхонаси мутахассислари Ердан 13,1 миллиард ёруғлик йили масофада жойлашган EGSY8p7 галактикасидан таралаётган нурни қайд этишга муваффақ бўлди. Олимлар тутган нур Катта портлашдан кейин 585 миллион йил ўтиб таралган. Галактика ёшини аниқлаш учун MOSFIRE инфрақизил спектрометридан фойдаланилган.

«Жаҳон» АА,
Дехли

Истиқлол, ислоҳот, истиқбол

Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошғуз ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда муҳасаммалашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллик, аввало, миллий меросга эгалик қилиш, у билан фахрланиш, унинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори мазмун-моҳиятида, жумладан, "...мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва аъноларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимизнинг табарруқ номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлоднинг шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бекиёс имкониятлар очиб берганини кенг акс эттириш" вазифаси ҳам юклатилган.

Жафокан халқимиз бир юз ўттиз йил мобайнида мустақил асортатида яшади. Аввал чор Россияси, сўнг эса қизил империянинг беадад зуғумларини кўрди. Чекмаган азоби, кечирмаган укубат қолмади.

Халқнинг жаҳон тамаддуни (цивилизацияси) раванқига улкан ҳисса бўлиб қўшилган бағоят бой тарихи беаён топталди. Миллат ўз кечмишидан узиб ташланди. Халқ ўз тарихи қолиб, ўзгалар ўтмишини ўрганишга мажбур қилинди. Миллий тарих одамларга фақат қора бўёқлар чаплаган ҳолда ўргатилди.

Кўп улуг одамлар номи бўлганди, ҳукмрон сиёсат уларнинг ҳаёти ва фаолиятини истганча қоралаб кўрсатди, айримлари ҳақида, ҳатто, оғиз очишга ҳам рухсат бермади. Халқ Жалолиддин Мангуберди, Нахмиддин Кубро, Амир Темур каби Ватан, унинг раванқи учун курашган қанчадан-қанча буюк зотлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридидий, Қафол Шоший, Абдуллоҳиқ Фихудувоний, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби буюк аждодларининг муборак номини ҳам тилга олишга қўқуб яшагача мажбур қилинди.

Коммунистик сиёсат, энг аввало, миллатнинг зиёлиларига қарши ҳужум бошлади. Халқни айнан ақли, тафаккури кучли вақилларидан жудо қилишни ўзининг асл мақсади деб билди. Инқилоб баҳонасида бойларни синф сифатида йўқотиш шiori остида мамлакатнинг не-не ақли, кучли, тадбиркор, дунё кўрган одамлари бегуноҳдан-бегуноҳ қирғин қилинди. Сўнг эса Сталин қирғинларини даврида ҳам қанчадан-қанча зиёлилар бесабаб қатолганга ўради. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдуллоҳиқ Чўлпон, Ўсмон Носир ва бошқалар ана шу қатоллар қурбонлари бўлди.

Баъзи сотқин кимсалар, империя малайларининг қасофати билан ўтган асрнинг 80-йилларида "Ўзбеклар иши", "Пахта иши" деган сохта номлар остида Ўзбекистонга ташланган гдьянчи-ивановчи десантчилар зулмидан яна қанча одам, қанча оила қаттиқ азият чекди.

Таълим-тарбия, ахлоқ-одоб борасида халқ тийнат(менталитет)ининг асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос жиҳатлари мутлақо инобатга олинмади.

Мустабид сиёсат, маъмурий-буйруқозлик тизими одамлар эркини бўғиб, уларда ижодкорлик, бунёдкорлик, интилувчанлик фазилатларини буткул йўқотди, ўзбек халқи онг-шууридан Ватан тушунчасини чиқариб ташлашга ҳаракат қилди.

Истиқлол Ўзбекистон олдида мустақил миллий давлат тузиш, эски тузумдан тамоман воз кечиб, янги – бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик жамяят барпо этишдек икки муҳим вазифа қўйди.

Эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслиги, унинг захарли мафқураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исқандасидан чиқармаслигини етарли даражада ҳисобга олиб, ётти ўлчаб, бир кесишга, яъни янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик қоидааси амал қилинди.

Аввал ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, пойдеворини қуриб олишга, шу тарихида одамларнинг эски тафаккури қолдиқларидан воз кечишга эришиш йўлидан борилди.

Шу тарихида бирин-кетин талай маънавий-маърифий ютуқлар қўлга киритила борди.

Тарихга ёндашув кескин ўзгарди, бу борада тамоман янгица муносабат шакллантирилди, ўтмишга халқнинг пойдевори, унинг келажагини таъминлаб берувчи буюк қадрият сифатида қараладиган бўлди. Ўз тарихимизни ўзимиз ўрганишга киришдик. Тарих бугунимиз ва келажагимиз учун чинакам сабоқча айланди. Халқнинг тарихий илдишлари қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деган оқилона тафаккурга амал қилинадиган бўлди. Истиқлол даври тарихини яратишга киришилди. Уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тарихининг ёритилмаган саҳифалари ўқила бошлади.

Тарихий меросга муносабат тубдан ўзгарди. Таққиланган қанчадан-қанча асарлар тадқиқ этилди, босиб чиқарилди, шу тарихида чинакам халқ мулкига айлантирилди. Бу борадаги ишлар мунтазам равишда давом эттириляпти.

Тарихий шахсларга муносабат ўзгарди. Таваллуд тўйлари билан бевосита боғлиқ ҳолда 1991 йил "Алишер Навоий йили", 1994 йил "Мирзо Улуғбек йили", 1996 йил "Амир Темур йили" деб эълон қилинди. Баҳоуддин Нақшбанд (1993), Феруз (1994), Имом Бухорий (1998), Аҳмад Фарғоний (1998), Жалолиддин Мангуберди (1999), Ажиниёз Кўзибой ўғли

(1999), Бурхониддин Марғиновий, Имом Мотуридидий (2000), Абдуллоҳиқ Фихудувоний (2003), Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий (2004), Ойбек (2005), Абдулла Қаҳҳор (2007), Муҳаммадризо Оғахий, Хамид Олимжон (2009) ва бошқа буюкларимиз таваллуд тўйлари кенг миқёсда нишонланди. Бухоро, Хива (1997) ва Термизининг (2000) 2.500, Қаршининг (2006) 2.700, Марғилоннинг (2006) 2.000, Самарқанднинг (2007) 2.750, Тошкентнинг (2009) 2.200 йиллик юбилейлари ўтказилди. "Алпомиш"нинг (1999) 1.000, "Авесто"нинг (2001) 2.700 йиллигини тантана қилдик. Бу саналарнинг нишонланиши халқимиз учун чинакам байрамга айланиб кетди.

Муқаддас динимиз, эътиқод эрки ўзимизга қайтди. Қуръони карим таржимаси, Имом Бухорийнинг саралаган тўрт жилдлик "Ҳадис"лар мажмуаси, бошқа қанчадан-қанча диний-маърифий китоблар босилиб чиқди.

Тилимиз тамоман янги даражага кўтарилди. Унинг давлат тили сифатидаги мавқеи ошди. Истиқлол йилларида тилимиз муттасил бойиб, унинг янада такомиллашиш жараёни бошланди.

Умумхалқ байрамлари мамлакатимиз ва халқимиз руҳига мос тарзда нишонланганди. Бу байрамларда мамлакат аҳлининг бир тану бир жон бўлиб, истиқлол нашидасини сураётганини бутун жаҳон кўриб-билиб турибди.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга, уни миллий аъноларимиз ва бугунги илгор замон талабларига жавоб берадиган янги бир поғонага кўтаришга киришилди. Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниб, 1997 йилдан буён уни ҳаётга ижол табиқ этиш жадал олиб бориляпти. Истиқлол йилларида талай янги олиб тилим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей-

КИМ ЭДИГ-У, КИМ БЎЛДИК: МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ МЕРОСГА МУНОСАБАТ

лар, умумтаълим мактаблари ташкил этилди, қурилди, эскиларни замон талаблари асосида таъмирланди, қайта реконструкция қилинди. Бу жараён жадал давом этяпти. Ўзбекистонлик йигит-қизлар дунёнинг илгор давлатларида таълим оляпти, ма-лака оширяпти.

Халқнинг руҳи тикланди, миллий ғурур, ватанпарварлик, фидоиликнинг мазмун-моҳияти батамом ўзгарди, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ўзини шу Ватаннинг фарзанди, деб ҳис қилишга кўнайиб борапти. Давлатимиз раъмзлари – Байроқ, Герб, Маҳфиянинг аҳамияти ортиб, улар кишиларимиздаги Ватанга садоқат ҳис-туйғуларининг ифодачиси бўлиб борапти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 2006 йил 25 августдаги Қарориди Миллий ғоя ва мафқура илмий-амалий маркази зиммасига юклатилган вазифалар қаторида "халқимизнинг кўп асрлик маънавияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва ҳаётий удулларига, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафқуравий ҳаталарга қарши самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурларни ишлаб чиқиш" ҳам топширилган. Моҳиятан бу айнан меросга суянишни англатади.

Ушбу Қарорда Республика Маънавият тарғибот марказига бешта муҳим вазифа юклатилган. Шундан тўрттасида бевосита меросга дахлдорлик бор. Биринчи вазифа – "маънавиятнинг маъно-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий илдишлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш"дан иборат.

Иккинчи вазифада "миллий урф-одат, аъноа ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш" кўзда тутилган.

Учинчи вазифа бўйича эса, жумладан, қуйдаги сўзларни ўқиймиз: "Ота-она, оила ва маҳалла, тарихий хотира, миллий ғурур, қомил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онига таъсирчан усул-усуллар орқали синдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш".

Тўртинчи вазифада ҳам бевосита мерос билан боғлиқлик бор: "Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қўтулғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш".

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида Марказий Осиёда тугилиб ўсган, жаҳон илму фани, маънавияти, адабиёти ва санъати раванқига муносиб ҳисса қўшган 46 нафар буюк зотнинг номи шарифи тилга олинди. Энг муҳими, орада улар ҳаёти ва фаолиятини, меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳам эсланди.

Ана шу зотларнинг 18 нафари бевосита адабиёт аҳли ҳисобланади. Юртбошимиз Нахмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Алишер Навоий, Махтумқули,

Абай, Тўқтағул, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдуллоҳиқ Чўлпон, Ўсмон Носир, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов номларини маънавий мерос яратган буюк қалам соҳиблари янглиғ тилга олади, улар ҳаёти ва ижодига муносиб баҳо беради.

Муаллиф наздида энг буюк жасорат – маънавий жасорат. Китобда маънавий жасорат намунасини кўрсатган уч шахс – Яхё Фуломов, Зулфия ва Озод Шарафиддинов ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилади.

Китобда номлари фахр билан зикр этилган Абу Али ибн Сино, Махмуд Замаҳшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Исоқхон Ибрат, Лутфихоним Саримсокова, Халима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроевлар фаолияти ҳам адабиёт билан бевосита ёхуд билвосита боғлиқ.

Шахсга ҳам, миллатга, халққа ҳам, аввало, маънавиятига қараб баҳо берилади. Чунки маънавият – инсоннинг инсонийлигини белгилайдиган, уни бошқа жонотлардан устун қилиб турадиган жамаки фазилатлар йиғиндисидан иборат.

Мамлакатимиз ҳудудининг катталлиги жиҳатидан дунёдаги 252 давлат орасида 55-ўринда туради. Аҳоли сонига кўра эса – ҳатто, 42-ўриндамыз. Халқимиз жаҳон тамаддуни раванқига қўшган ҳиссаси бўйича жуда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки ҳар қандай мамлакат ёки халқ ҳавас қилса, аризуғилик буюк меросимиз бор. Айниқса, мустақиллик йилларида бунинг бутун олам тан олди.

Биринчидан, шу йиллар мобайнида ижол равишда ҳеч кимдан кам бўлмаганимизни дунёга исботладик.

Иккинчидан, бу бизга: "Ҳеч кимдан кам эмасмиз", – деган ғояга қатъий амал қилишимиз учун буюк асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, бу икки асос: "Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам", – дейишга, шунга интилиб, шунга эришишнинг йўлларини излаб яшагача ундади.

"Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида ана шу уч фикр мантиқий тарзда асослаб берилади.

Истиқлол йилларида тарихга янгица муносабат шаклланди. Бу билан эса халқимизнинг жаҳон тамаддуни раванқига қўшган муносиб ҳиссасини ҳолисанилло баҳолаш, у билан фахр-ифтихор қилиш, ғурурланиш, энг муҳими, шу шонли тарихга муносиб бўлишга интилиш имконига эга бўлдик. Бу – маънавиятнинг ўзак масаласи эмасми?

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси келтирган маълумотларга кўра, қор Россияси босқинига қадар Марказий Осиёда эллик мингга яқин маданий обида бўлган. Уларнинг аксарияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида эди. Ҳозир мамлакатимиздаги тарихий меъморий обидалар сони ўн мингтадан ошади. "Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган...", – деб ёзилди "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида.

Булар тарихга, яъни миллий меросга янгица муносабатнинг бир қисми, ҳолос.

Тарихга муносабат замирида эса тилга, динга, миллий қадрият, урф-одат ва аъноаларга, аждодлар ҳаёти ва фаолиятига, қисқа қилиб айтганда, меросга муносабат ётади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, мазийга юз тутишнинг бошланғич амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради.

2014 йилнинг 15 – 16 май кунлари Самарқанда "Ўрта асрлар Шарқ алломулари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг турли мамлакатидан келган 60 га яқин нуфузли олим иштирок этди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов нутқ сўзлади. Бу нутқ матбуотда "Буюк аждодларимиз мероси – бутун инсониятнинг маънавий бойлиги" деган сарлавҳа билан эълон қилинди. Бу нутқда Юртбошимиз Шарқнинг жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган 26 улуг алломаси ҳаёти ва фаолиятига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтди.

Қўнча тарих мобайнида башарият тамаддуни раванқига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар эса у қадар кўп эмас: Хитой, Ҳиндистон, Турон (Ўзбекистон), Эрон, Вавилон, Византия, Арабистон (Саудия), Миср, Юнонистон, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия... Марказий Осиёнинг тамаддунига ўзбек бўлган марказлари, асосан, бугунги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўғри келади.

Бу рўйхатни ҳеч ким ўз ихтиёрича кенгайтириб юборишга ҳақли эмас. Бу рўйхатда Ўзбекистон деган муқаддас дийёрнинг номи ҳам мустаҳкам ўрин олиб турибди! Шу нуктага назардан, биз – шакшубхасиз, буюк халқимиз. Турон деганда эса, асосан, бугунги Ўзбекистон ҳудуди кўзда тутилади. Чунки қадим-қадимдан тамаддуни айнан шу ҳудудда раванқ топгани, биздан не-не буюк зотлар етишиб чиқгани – ҳаммага маълум.

Тарих, аввало, бугун қолаверса, келажақ учун керак. Бугун инсоният, демакки, ҳар бир халқ ҳам ўз ўтмишидан ҳулоса чиқариб, аждодлар меросидан бевосита фойдаланиб яшашни лозим.

Истиқлол туфайли халқимиз бой миллий меросига ўзи эга бўлди. Уни бугуни ва келажаги учун буюк таянч деб билди. Ундан фахрланиб, ғурурланди. Шу тарихида юксак маънавиятини шакллантириб, дунёга намойён этди.

Олим МАХМУДОВ

Иқтисодиёт

ҚУЛАЙ МУҲИТ – БИЗНЕС РИВОЖИНИНГ КАЛИТИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қабул қилинган 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурининг изчил ижроси иқтисодиётимизни барқарор юксалтиришда мустаҳкам асос вазифасини бажармоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик таъминланибгина қолмай, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилгани бунинг яққол исботидир.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз 5,5 баробардан ортқ ўсган, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошгани ана шундай сано-ҳаракатлар натижасидир. Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг улуши юқори бўлиб, ялли ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиги мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, соҳа вақилларига зарур имтиёзлар берилаётгани муҳим омил бўлаётди. Жумладан, жорий йилда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилган бўлса, микрофирма, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжалиқлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга қамайтирилди.

Ишбилармонлик муҳитининг тобора яхшиланаётгани аҳолининг соҳага бўлган қизиқиши янада кўнайишига олиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 15,2 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилгани, бу қўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоиз қўпчилиги бунинг исботидир. Энг муҳими, соҳадан банд бўлганлар салмоғи ўсиб бормоқда. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида 441,8 минг иш ўрни яратилган бўлса, унинг асосий қисми хусусий сектор улушига тўғри келди.

Тадбиркорлик субъектининг фақат ташкил этилиши эмас, унинг қулай муҳитда фаолият кўрсатиб кета олиши муҳимдир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи Зариф Аминов. – Янги иш бошлаган айрим тадбиркорлар банк муносабатларида, солиқ тўлаш ва ҳисобот топширишда етарли билим ва таҳрибага эга бўлмагани боис бироз қийналади. Шунини ҳисобга олиб тадбиркорларга бу борада ўз вақтида ёрдам кўрсатилаётгани соҳа вақиллари ва уларнинг иқтисодиётдаги улуши ортишига замин яратмоқда.

Бунда миллий ахборот-коммуникация тизими ривожлантирилаётгани, давлат органлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатлар контактсиз электрон шакллари жорий этилаётганининг аҳамияти бекиёс. Ягона интерактив давлат хизматлари порталига айна лайдиган давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимиятининг 650 органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган тадбиркорларга кенг имкониятлар яратди. Энди улар битта сайт орқали ҳар қандай муножаатни керакли органга жўнатиб, унга ўз вақтида жавоб олади. Чунки бу тизимда ҳар бир муножаатнинг кўриб чиқиши мониторингига мавжуд.

Солиққа оид масалаларда тадбиркорлар нафақат ушбу тизим, балки давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали қўрсатилаётган интерактив хизматлардан умумли фойдаланаётди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш амалиётининг жорий этилгани ишбилармонларга қатор қулайлиқлар яратиш билан бирга ҳисоботларни ўз вақтида қабул қилиш, қайта ишлаш, давлат бюджетига ундириладиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор тақдим қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилдан тадбиркорлик субъектларидан солиқ ҳисоботлари тўлиқ электрон қўрсаткишда қабул қилинмоқда. Бунинг афзаллигини кўп мисолларда қўриш мумкин. Агар авваллари ҳисоботни шакллантириш ва топширишга қандам 2-3 соат вақт сарфланиб, навбат қутишга тўғри келган бўлса, ҳозир бу жараён бир неча дақиқада якунига етказилди.

Яна бир янглик: яқинда Давлат солиқ қўмитаси томонидан Марказий банк билан ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни банк маълумасаларида бормасдан, масофадан туриб, яъни онлайн тартибда тўлаш имконияти йўлга қўйилди.

Тизимнинг афзаллиги шундаки, солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини тайёрлаб, электрон шаклда жўнатишдан сўнг, ҳосил бўлган солиқ мажбурияти суммасини тўлашга ихтиёрий розилик бериши билан тўлов топшириқномаси автомат равишда шаклланиб, солиқ тўловчининг ҳисоб рақамига хизмат қилувчи тижорат банкига ҳисобланган алоқа каналлари орқали етказилади. Агар ҳисоб рақамда пул маблағи етарли бўлса, шу заҳотиёқ тўлов амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий картотечкасига қайд этилади ёки тўлов топшириқномаси 2-карточкага олинди, бу ҳақда тадбиркорга электрон хабар юборилди. Муҳими, ушбу хизматдан фойдаланиш бепул ва у улғусиз ишлайди.

Бу имкониятлар электрон рақамли имзони олиш ва ундан фойдаланишда қатор қулайлиқлар яратилаётгани туфайли ривожланоқда. Бунга давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони йўл очди. Фармонга асосан 2015 йилнинг июни ойидан бошлаб Давлат солиқ қўмитасининг ягона электрон рақамли имзони рўйхатига олиш маркази томонидан бериладиган электрон рақамли имзодан давлат ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва тижорат банклари томонидан қўрсатилаётган барча хизматларда эркин фойдаланиш имконини берувчи тартиб ўрнатилди.

Бу ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига қўрсатилаётган барча электрон хизматлардан эркин фойдаланиш ҳамда давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, ахборот тизимининг ривожини нафақат аҳоли ва тадбиркорлар, балки мутахассислар эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш марказлари экспертлари томонидан давлат ортқ давлат, хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолати баҳоланган рейтингда Давлат солиқ қўмитаси биринчи ўринни эгаллади.

Нургул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ ОШИРИЛДИ

“Қамолат” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан бир гуруҳ фаол ёшларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташрифи ташкил этилди.

Тадбир доирасида “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси депутатлари, бир гуруҳ фаол ўқувчи-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари доимий ҳимояда эканлиги, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, йўлида ёшларнинг ўрни ва роли, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари” Қонун, 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган мамлакатимиз Конституцияси, истиқлол йилларида қабул қилинган деярли барча қонунларда ёшлар манфаатлари ўз аксини топганлиги эътироф этилди. Мамлакатимиз ёшларининг жаҳон андозалари талаблари асосида билим олишларини кафолатлайдиган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам ёшларга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда иштирок этган фаол ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди. Давра суҳбатидан сўнг ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига экскурсия уюштирилди.

Зарина РУСТАМОВА

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда туб ўзгаришлар рўй бериб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАШАББУСИ

Жаҳон архитектурасининг энг яхши намуналари ва миллий меъморчилигимизнинг нобъ анъаналари уйғунлашган Тошкент ҳам йил сайин чирой очиб, янада обод ва замонавий шаҳарга айланиб бормоқда. Барпо этилган маҳаббатли иншоотлар, кўп қаватли турар жойлар, замонавий йўллар ва кўприклар, ижтимоий ва маданий объектлар кўзни қувонтиради.

Пойтахтимизда бундай улкан бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Йўл ва транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш бу борадаги ишларнинг муҳим йўналишларидандир. Зеро, Тошкент минглаб автомобиллар ва миллионлаб йўловчиларга эга йирик мегаполисдир. Шулар эътиборга олинган ҳолда, жаҳон мезонларига мос йўл ўлчамчилар, эстакада ва кўприклар қурилмоқда, кўчалар кенгайтирилиб, тез ҳаракатланиш имконини берадиган саккиз полосали трассаларга айлантирилмоқда. Бинобарин, буларнинг барчаси шаҳар меъморлик қиёфасига муайян ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда.

Маълумки, кўпмиллатли Ўзбекистонда турли халқларнинг буюк мутафаккир ва шоирлари хотираси ва меросига ҳурмат билан қаралади. Хусусан, Тошкентда Александр Пушкин, Шота Руставели, Низомий, Абай ва жаҳон цивилизацияси ривожига ҳисса қўшган бошқа машҳур тарихий шахсларга ҳайкал ўрнатилган.

Атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкин ва унинг ижодини халқимиз яхши билади. Унинг ўлмас асарлари катта ти-

ражларда нашр этилмоқда, ҳар йили шоир ҳаёти ва ижодида бағишланган турли тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази вакиллари Тошкент шаҳар ҳокимлигига А.С.Пушкин ҳайкалини пойтахтимизнинг янада қулайроқ жойига кўчириш ҳақида илтимос билан мурожаат қилган.

Жамоатчилик вакиллари бугунги кунда шоир ҳайкалининг шаҳардаги икки серкатнов кўча ўртасида эканлиги унинг хотирасига бағишлаб тадбирлар ўтказишда муайян муаммолар пайдо қилаётганига эътибор қаратган. Бу ерда автомобиллар тўхташ жойи йўқ, йўл-транспорт ҳодисаси юз бериш хавфи ҳам юқори.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган брифингда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари шаҳар ҳокимлиги А.С.Пушкин ҳайкалини реставрация ишларидан сўнг пойтахтимиз марказидаги бошқа – янада қулайроқ жойига кўчириш ҳақида қарор қабул қилгани маълум қилинди.

Бу Шота Руставели ва Бобур кўчалари кесишган жойдаги хиёбондир. Ушбу хиёбонда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилади. Архитекторлар тақлифига биноан ҳайкал олдингидан ҳам баландроқ супага ўрнатилди. Бу ерда гўзал архитектура ансамбли яратилади.

А.С.Пушкин ҳайкали ўрнатиладиган хиёбон пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун яна бир диққатга сазовор масканга айланади.

(Ўза)

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан энг улуг, энг азиз байрам – мамлакатимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилмоқда.

Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш, аҳоли, жумладан, оналар, болалар ва кексаларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаёт-

хон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионерларни тўла қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тиббий кўриқда пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари ва

ҲАР БИР ИНСОН МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

ган ислохотларнинг устувор йўналишига айланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ва «Кексаларни ёъозлаш йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги лойиҳалар кўлами янада кенгаймоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўриқларга олти ярим миллион нафар бола ва ўсмир қамраб олинди. Бундай тадбирлар ўғил-қизларнинг ривожланишидаги нуқсонлар ва касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда соғломлаштириш имконини бераётди.

Бу галги акцияга ҳам юқори савияда тайёргарлик кўрилди. Тадбирнинг илк босқичи вилоятлар миқёсида ташкил этилиб, чуқурлаштирилган тиббий текширувга эҳтиёжи бор беморлар рўйхати шакллантирилди. Шу билан бирга, тиббий кўриқларга иккинчи жа-

тиббий олий ўқув юртлири ҳамда етакчи клиникаларнинг малакали олимлари, невропатолог, жарроҳ, кардиолог, эндокринолог, гинеколог, терапевт, педиатр, офтальмолог, оториноларинголог, ортопед, травматолог, стоматолог, дерматовенерологлар иштирок этаётгани аҳоли учун катта қулайлик яратмоқда.

Пискент тумани тиббий ётирмоқли марказий поликлиникада бўлиб ўтган ана шундай тадбирга пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги етакчи клиникалардан ўттиз нафарга яқин олим ва малакали шифокор жалб этилди. Улар Пискент ва Бўка туманларидан келган қарийб беш юз нафар аҳолини чуқурлаштирилган кўриқдан ўтказди. Шифокорлар алоҳида эҳтиёжманд кексаларнинг хонадонига бориб, уларнинг саломатлигини текширди.

Пискент тумани тиббий ётирмоқли марказий поликлиника 2012 йили реконструкция қилиниб, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида тиббий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Бу чуқурлаштирилган тиббий



Темур Мамадамов олган сурат

кўриқларни юқори савияда ташкил этиш, касалликларни барвақт аниқлаш ва ўз вақтида соғломлаштиришда кўл келмоқда.

Тумандаги тўққизта кишлоқ врачлик пунктнинг моддий-техник базаси ҳам йилдан-йилга яхшиланмоқда. Умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамширалар аҳоли ўртасида соғломлаштириш тадбирларини уюшқоқлик билан амалга оширмоқда. Натижада юқумли касалликларга чалиниш ҳоллари камайиб, оналик ва болаликни муҳофазалаш борасида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Аънавий соғломлаштириш ҳафталиклари бу борадаги ютуқлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётди.

– Кейинги йилларда нафасим қисадиган, тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолдим, – дейди Ўза муҳбирим Пискент тумани Саидобод маҳалласида яшовчи Номоз бобо Норимбоев. – Чуқурлаштирилган тиббий кўрик давомида саломатлигимни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислардан зарур тавсиялар олдим. Бундай эътибор ва ғамхўрлик соғлом умр

кечиришимизда муҳим аҳамият касб этади.

Пискент тумани Янгиобод маҳалласида яшовчи Иноят ая Юнусова остеопороз касаллиги туфайли доимий тиббий кузатувга олинган ва ўз вақтида тиббий муолажалар тайинланмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтидан келган мутахассислар онахоннинг саломатлигини яна бир қарра текширишдан ўтказиб, зарур муолажаларни тайинлади ва маҳаллий шифокорларга касаллик ривожланиш жараёнининг олдини олиш бўйича тавсиялар берди.

– Президентимизнинг аҳоли саломатлигига қаратаётган доимий эътибори туфайли илгарилари давоси деб ҳисобланган кўплаб касалликларни самарали даволаш усуллари жорий этилмоқда, – дейди Иноят ая Юнусова. – Инсон манфаатини кўзлаб шундай замонавий шароитлар яратётган давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдоримиз.

Соғломлаштириш бўйлаб давом этмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

Маҳалла

ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Инсонлар қалбида аҳиллик, меҳр-саховат, оқибат каби эзгу хислатлар таъбир жоиз бўлса маҳалла аталмиш гўшада ривожланади. Бу каби қадр-қиммат масканида инсонлар бир-бирларига суянадилар, оғир-енгил кунларда ўзаро елкадош бўладилар.

Кейинги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қаратилган катта эътибордан кўзланган асл мақсад ҳам шу. Ушбу нобъ тузилма фаолиятини янада кенгайтириш, аҳоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, келажак эгалари бўлган ёшлар тарбиясида ундан оқилона фойдаланиш, уларни ҳам мана шу руҳда тарбиялаш муҳим масалалар қаторига қиради.

– Ватан оstonадан бошланади, дейди доно халқимиз. Оstonамиз эса мана шу ўзимиз яшаб турган маҳалламиздир, – дейди Юнусобод туманидаги “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Нигматов. – Кўп миллатли маҳалламизда 3730 нафар аҳоли бир оила фарзандларидек тинчлик-омонликда, ўзаро ҳурмат-иззатда яшаб келмоқда. Бунга эришишимизнинг асосий сабаби маҳалла фаоллари, профилантика инспекторлари ва посбонларнинг ҳамжиҳатлигида, ўзаро бир-бирларини тушуниб иш олиб боришларидадир. Биз хонадонларда, ҳудудимиздаги вояга етмаганлар орасида доимий равишда тушунириш ишларини олиб борамиз. Муаммо туғилгудек бўлса маслаҳатлашиб биргаликда ечишга ҳаракат қиламиз. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, аҳоли бизга ишондики, мана шу ишончни оқласак, уни сунистеъмол қилмасак ҳурмат-иззат ҳам шунга яраша бўлади.

– Ҳудудимизда 327-мактаб жойлашган, унда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимизнинг одоб-ахлоқи, нафақат ўқишда, балки бўш вақтида ҳам нима иш билан бандлиги доимо диққат-эътиборимизда. Ёшларнинг саломатлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида мактабда спортнинг миллий кураш, стол теннис, шахмат-шашка, футбол турлари бўйича тўга-

рақлар фаолияти йўлга қўйилган. “Ораста қизлар” тўғарагида эса қизлар тўқишни ўрганадилар, китобхонлик кунлари ўтказилиб, ўқиган китоблари бўйича бахс-мунозараларда саводхонлиги ортади, – дейди суҳбатимизга қўшилган маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Мунира Расулова. – Ёшлар билан мунтазам иш олиб борилганлиги туфайли маҳалламизда адабиёт жиноят кўчасига кирган, турли ҳуқуқбузарликларга қўл уриб ички ишларда рўйхатда турганлар йўқ. Балогоат ёшидаги ўғил-қизларнинг мактабни битириб касб-хунар коллежлари, академик лицейларга ўқишга жойлашиши, битирганларнинг эса олий ўқув юртига ўқишга кириши ёки ишга жойлашишга қатъий эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг бўш қолишларига йўл қўйилмайди. 52-оилавий поликлиника шифокорлари билан ёшлар, турғуқ ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур маслаҳатлар берилади. Саломатлиги доимо назорат қилиб турилади, касаллик аниқланганда даволаш чоралари қўрилади.

Маҳалла фаоллари ҳам олиб борилаётган хайрли ишлар ҳақида фикр билдирар эканлар ўз-ўзидан уларнинг туғилиб-ўсган сўлим ва ораста гўшалари билан фахрланишларини сезиш қийин бўлмади.

Ўз ҳудудларининг тинчлик-осойишталиги учун ғайрат билан меҳнат қилаётган жонкуяр инсонлар даврасида маҳалла уларнинг ҳақиқий уйлари эканига амин бўлди. Гўёки “Маҳалланг тинч – сен тинч” деган нақл худди улар учун айтилгандек. Зеро, тинчлик-хотиржамлик бор жойда кут-барақа, меҳр-оқибат янада бўй кўрсатиб, барчани фақат яхшилик сари етаклайди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

2015 йил — Кексаларни ёъозлаш йили

КЕКСАЛАРИ АРДОҚЛАНГАН ЮРТ

Ёши улуг инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг меҳнатини қадрлаш азалий қадриятларимиздан. Истиқлол йилларида бундай юксак фазилатлар янгида маъно-мазмун билан бойиди.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар жараёнида нуруний отахону онахонларнинг жамият, оила ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ошириш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёш авлодни тарбиялаш йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Кексаларни ёъозлаш йили» Давлат дастури ижросига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида марказнинг мазкур йўналишдаги ишлари атрофича муҳокама этилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёши улуг инсонларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, муносиб ҳаёт кечириши, саломатлигини тиклаш учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

«Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуруний» жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Нурунийлар ёъозимизда» лойиҳаси доирасида фаол ёшлар уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга уй-жой маиший шароитини яхшилашда қўмаклашмоқда.

– Мамлакатимизда аҳолини кўчи ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, кексалар ва ногиронларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база шакллантирилган, – дейди Ўза муҳбирига Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Фуқрат Маҳмуджонов. – Шу асосда фахрийларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтиришга бид салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

«Авлодлар учрашуви» лойиҳаси ҳаётга кенг татбиқ этилаётди. Ушбу лойиҳа доирасида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, фаровон турмуш шароити яратиш, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига улкан ҳисса қўшган фахрийлар иштирокчида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Фахрийлар хонадонларига ташрифлар уюштирилади.

Марказ томонидан «Кексалар ёъозимизда», «Кексаларга меҳр-оқибатли бўлайлик», «Шукроналик – саодатимиз рамизи», «Ватан остонадан бошланади», «Кексаларни ёъозланган юрт» номли буклетлар тайёрланиб маҳаллалар, таълим муассасалари, ташкилотларга тарқатилди. Шу билан бирга 20 номда буклет, 5 номда ўқув-услубий қўлланма, 30 номда маъруза матни ва тақдимот слайдлари тайёрланган. Улар маънавият тарғиботчилари учун асосий маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилаётди.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Барно МЕЛИКУЛОВА

ҲАМИША ҲУРМАТ ВА ЁъОЗДА

Халқимизда ёшларни катталарга ҳурмат, кексаларни ёъозлаш ва уларга нисбатан меҳр-муруват кўрсатиш руҳида тарбиялашга катта аҳамият қаратилади.

Кексаларни ёъозлаш йилида ҳам бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайди. «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Фарзандлик бурчим» лойиҳаси ҳам пире бадавлатларимиз бўлган кексаларимизга ғамхўрлик кўрсатиш, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш мақсадида амалга оширилди.

Мазкур лойиҳа доирасида тумандаги «Олмасор» маҳалласида истикомат қилувчи нурунийлар ҳолидан хабар олинди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдурахмон Раҳимбеков ва бир гуруҳ ишчи аъзолари иштирокидаги учрашувда 66 ёшли Юнусжон Комиллов, 90 ёшли Татьяна Стеминко, 97 ёшли Лукерия Кондрабенколар юртимизда ҳўм сўраётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиш, илм олиб, қўллаб ютуқларга эришиш мумкинлигини ёшларга уқитиб ўтишди. Қизлар хонадонлардаги уй юмушларига қарашган бўлишса, йигитлар томоркалардаги ободонлаштириш ишларига қўмаклашишди.

Кекса авлод вакилларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Ўз навбатида нурунийлар бундай хайрли ташаббус ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирди.

Зиёда РАСУЛОВА

Еттинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Ўзбек миллий академик драма театрининг янги биноси қачон очилган?

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хибонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўрғига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга оцаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» —

«Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Сиз Тошкентни биласизми?» викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб голиб саналади.

Ҳар ўн та саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган голиб аниқланади.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ голиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига ёки gazeta-vto@mail.uz, info@tashkent.uz электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

МУСАВВИР
ЭХТИРОМИ

Ўзбекистон Бадий академияси
Халқаро маданият карвон саройида
Кексаларни эъозлаш йилига
бағишланган бадий кўргазма очилди.

«Сенинг севинг» деб номланган мазкур кўргазмада мусаввир Баҳодир Зокиров ижодидан намуналар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиш масаласига катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури доирасида навқирон авлодни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, нурунийларнинг бой ҳаёт тажрибасидан ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, меҳнат-севарлик, ҳалоллик, инсоф-диёнат руҳида камол топтиришда кенг фойдаланилаётди.

Бугун тасвирий санъат соҳасида изланаётган мусаввирлар ижодида ҳам айни мавзулар янада теран очиб берилаётди. Халқимизнинг севилими санъаткорлари — Ўзбекистон халқ артистлари Ботир Зокиров ҳамда Эркил Малик-боевнинг ўғли Баҳодир Зокиров олий таълим даргоҳини тамомлаб, кино соҳасида меҳнат қилди. У ўттиздан ортиқ фильм учун қўшиқ ва мусиқалар ҳам яратди. Бир қатор фильмларга режиссёрлик қилди.

Мўйқалам соҳибининг асарларида жонажон Ватанимизга, халқимизга, нуруний отахон ва онахонларга, шу табаррук заминга бўлган чексиз меҳр-эҳтиром акс этган. Бу жиҳатлар кўргазмада намоиш этилаётган «Ворислик», «Уста», «Фалакнинг гардиши», «Чойхона», «Хордик», «Куз», «Орзу», «Созанда» каби етмишга яқин асарда ўз ифодасини толган.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

«101»

ДОИМО ҲУШЁР
БЎЛАЙЛИК

Ёнғин содир бўлмаслиги учун ҳар биримиз фаол кураш олиб боришимиз муҳимдир. Корхона, ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқароларнинг яшаш жойларида юз бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, газ электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганича тузатиш, умуман, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кўпгина аҳоли турар жойларида учраб туради. Айримлар ҳатто кўра била туриб ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишмайди, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек қарашади. Оқибатда эса «тиксиз ёв»нинг тизгиндан чиқишига йўл қўйилиб, катта зарар етказилишига олиб келади.

Уйларнинг ертўла ва чордоқларида тез аланга олувчи — бензин, керосин ва бошқа суюқликларни сақлаш асло мумкин эмас. Улар сақланадиган жойларда эса очик оловдан фойдаланиш, шам ёқиш ёки гўгурт қақиш қатъиян ман этилади. Чунки бундай эҳтиётсизликлар аянчи оқибатларга сабаб бўлиши кўп қузатилган. Бундай катта офатлар нафақат шу хонадон эгалари, балки кўни-қўшниларнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид солади.

Ёнғинга олиб келувчи турли омилларга йўл қўймаслик борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Аммо ёнғинга қарши курашиш, фақатгина соҳа ходимларининг иши бўлиб қолмаслиги керак. Бу борада кенг жамоатчилик, ҳар бир хонадон соҳиблари, ота-оналару корхона-ташкilot мутасаддиларигача масъул бўлиши муҳимдир.

Фахриддин АРИПБОВ,
12-ҲЕҶО 24-ҲЕҶК катта инспектори,
сержант



Ўзгидромет

ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 12 август

куни ҳаво ўзгариб туради,

дан секундида 3-8 метр тез-

ликда шалом эсди. Ҳарорат

кечаси — 15-17, кундузи — бўлади.

34-36 даража иссиқ

бўлади.

Ўзгидрометнинг

мониторинг хизмати

маълумотига кўра,

12 августда Тошкент

шаҳрининг об-ҳаво шароити

шаҳар ҳаво муҳитида зарари

ёнгарилиш бўлмайди. Шарқ-

дан секундида 3-8 метр тез-

ликда шалом эсди. Ҳарорат

кечаси — 15-17, кундузи — бўлади.

Спорт янгиликлари

Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги иккинчи босқич ўйинларига 12 августдан бошлаб старт бериладиган бўлди. Чемпионатнинг мазкур тур ўйинларида ғалаба қозонишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган пойтахтнинг бир қатор клублари баҳсга киришади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ЎЙИНЛАРИ
БОШЛАНМОҚДА

Тошкентнинг «Локомотив-БФК» жамоаси меҳмонда «Цементчи» (Кувасой) билан куч синашса, «Обод» (Тошкент) «Косонсой» (Косонсой) тўсиғидан ўтади. Турнинг иккинчи кунги ўйинларида эса «Оқтепа» (Тошкент) — «Хоразм» (Ургачч), «НБУ-Осиё» (Тошкент) — Машғал-2 (Муборак) ўзаро майдонга тушади. Мазкур турга

14 августда «Пахтакор-2» (Тошкент) — «Ғиждувон» (Ғиждувон) баҳси якуни ясайди. «Пахтакор-2» футболчилари тўрт кун ичида иккита учрашув ўтказишларига тўғри келади, яъни «Ғиждувон»га қарши ўйиндан сўнг 18 август кун «Орол» (Нукус) билан меҳмонда беллашишлари лозим.

Қўтамазнинг номдор гимнастикачилари иштирок этган мазкур мусобақада ҳамюртимиз Эдуард Шаулов эркин машқ бажаришда шарафли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медални қўлга киритди.

Эътиборлиси, спортчимизнинг совриндорлар қаторига лойиқ кўрилишида унинг эпчиллиги, машқларни аниқ ва тўлиқ бажарганлиги инобатга олинди. Ўз чиқиши олдидан ҳаяжонини бутунлай босиб олган Эдуарднинг ҳаракатлари ҳакамлар ҳайъати

ВАКИЛИМИЗ БРОНЗА
МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Япониянинг Хиросима шаҳрида спорт турлари ичида энг машаққатлиси деб тан олинган спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати ўтказилди.

томонидан 14,575 баллга баҳоланди.

Шоҳсупанинг биринчи ва иккинчи поғонаси мезбон гим-

настикачиларга насиб қилди. Япониялик Шираи Кенгзо ва Хаясаки Наото олтин ҳамда кумуш медалларга эгаллик қилишди.

ҚИЗИҚАРЛИ БАҲСЛАРГА
БОЙ УЧРАШУВЛАР

Тобора яқинлашиб келаётган Энг улуг — энг азиз байрам юртимиз Истиқлолнинг 24 йиллиги олдидан мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Айни кунларда пойтахт вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Конструктор» ёғи болалар соғломлаштириш оромгоҳида пойтахтимиздан борган болажонлар мириқиб ҳордиқ чикаришмоқда.

Яқинда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан оромгоҳ тарбияланувчилари иштирокида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, мини-футбол, волейбол, сузмиш, арқон тортиш, енгил атлетика бўйича мусобақалар уюштирилди.

Юртимиз Мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб оромгоҳ тарбияланувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини

шакллантириш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига имкон яратиш, болажонларнинг ёғи таътил кунлари мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу баҳсларда 600 нафар болажонлар голиблик учун кураш олиб боришди.

Айтиш жоизки, ҳар бир спорт йўналиши бўйича беллашувлар мурасасиз, қизиқарли ва кескин баҳслар остида кечди.

Мусобақалар якунида 100 нафардан ортиқ болажонлар 1, 2, 3-ўринларни эгаллашди ҳамда мутасадди ташкилотнинг совринлари, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

(Ўз мухбиримиз).

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан 30-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига маҳалла ёшларининг ташрифи уюштирилди.

«Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбир туманда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаган ёшларнинг ёғи таътил даврида вақтларини унумли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ўтказилди.

— «Қамолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Спорт — соғлом ҳаёт таянчи» шиори остида кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда, — дейди Кенгаш бош мутахассиси, «Қамалак» болалар ташкилоти раиси Шухрат Каримов. — Мазкур тадбирлар маҳалла ёшларини ёғи таътил ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни соғлом

СПОРТ — САЛОМАТЛИК
ГАРОВИ

турмуш тарзи асосларида тарбиялаш, жисмонан бақувват бўлиб етишиши ва спортга бўлган қизиқишларини ошириш, маҳалла ёшлари ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида ташкил этилмоқда. Шу кунгача туманда жойлашган 52 та маҳаллалардан 185 нафар ёшлар жалб этилди. Ўйлашмики мазкур шир остида ўтказилаётган тадбирлар ўғил-қизларда унутилмас таассурот қолдирмоқда.

Спорт мактабига қатнашчилар учун мураббийлар томонидан сузишнинг

инсон саломатлигига ижобий таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириб, сузиш турлари бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Шунингдек, ёшлар орасида сувда футбол ўйнаш бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга туман ҳокимлиги, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда бошқа ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Замира РАҲМОНОВА

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6541 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ